

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

3

ГИДРОФИЛИЯ—ЗЕБРА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

З ҲАРФИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида
фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадда фойдаланиш (сотиш,
кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.

З — ўзбек-кирилл алифбосининг тўққизинчи ҳарфи. Тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг боши (зар, зарур), ўртаси (озик, чизик), охирида (куз, туз) кела олади. Сўз охирида жарангсизланиб «с» товушига томон бир оз ўзгаради (сиз — сис, кўрасиз — кўрасис), бу ҳол имлода акс этмайди. Туб ўзбекча сўзларда сўз бошида деярли қўлланмайди. Жаҳон ёзуви тарихида туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда **З** ҳарфи ўзига хос шаклда бўлган.

ЗААНЕ ЭЧКИ ЗОТИ - сути учун боқиладиган зот. 19-а. ўрталарида Швейцариянинг Зане (Saane) дарёси водийсида чиқарилган. Эчкилари йирик, гавда тузилиши мустаҳкам, аксариятининг елини катта, сўрғичлари яхши шаклланган. Териси юпқа, асосан, оқ рангда. Такасининг яғрин бал. 75—80 см, вазни 70—80 см, эчкилари 50—60 кг, думғазаси тор, жуни калта, қилтиқлари ингичка. Эчкилари

бир йилда ўртача 600—700 кг сут беради (рекорд сут маҳсулотдорлиги 2235 л), сутининг ёғлилиги 3,5—4,5%. Ҳар юз бош эчкидан 180—200 улоқ олиш мумкин. Бу зот Фарбий ва Марказий Европада кенг тарқалган. Европа, Осиё, Америкадаги кўпгина мамлакатларда сут йўналишидаги эчкичиликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. 20-а. бошларида Россияга келтирилган, ундан қисман Ўзбекистонда тарқалган (шахсий хўжаликларда боқилади). Маҳаллий жайдари рус эчки зотларининг сут маҳсулдорлигини яхшилашда фойдаланилган. Дурагайлари бир йилда 500—1000 кг сут беради. Россиянинг марказий ва шим.-ғарбий вилоятларида кўп боқилади.

Бозорбой Сувонкулов.

ЗАБАЙКАЛЬЕ — Байкал кўлидан шарқда жойлашган тоғли ҳудуд. Шим.дан жанубга 1000 км га чўзилган. Аксари ўртача баландликдаги (1200—1300

ЗАНГ КАНАЛИ

[illegible]



ЗАНГ КАСАЛЛИГИ

ЗАНГ КАСАЛЛИГИ

ЗАНГ КАНАЛИ

қадимги ка-
наллардан бири (тахм. 9—10-а.ларда
қазилган).

